

МАНЗАР АБДУЛХАЙР



*Сўз сари,
Сўзинг сари*

ШЕЪРЛАР, ТАРЖИМАЛАР



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2021

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(Ў)6

A – 15

Абдулхайр, Манзар

Сўз сари, Сўзинг сари: шеърлар/ Манзар Абдулхайр.
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. – 112 б.

ISBN 978-9943-20-606-9

Манзар Абдулхайр бадиий тафаккурини, ҳис-туйғуларини шунчаки баён этмайди. Уларни қўнгилнинг сукунати билан тасвирлайди. Борлиққа, ишққа, табиатга ва ўз руҳий кечинмаларига аталган кутилмаган, тutilмаган ташбеҳлари бор. Умид қиламизки, бу ҳол китобхонни эътиборсиз қолдирмайди.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(Ў)6

ISBN 978-9943-20-606-9

© Манзар Абдулхайр, «Сўз сари, Сўзинг сари». «Янги аср авлоди», 2021 йил.

СОҒИНЧЛАРДАН ҚАЛБИМГА ТУШДИ СИРЛАР



Манзар Абдулхайр – иқтидорли шоир. Шеър – ҳиссиёт сеҳри. Худди шу жойда, шеърнинг улуғ томири бунёдга келади. Туйғуга макон қалб, ҳис қилишга қодир қалб, ҳайратга мойил қалб – шеърнинг улуғ муроди.

Ҳиссиёт сеҳри қалб имтиёзи. Аниқки ҳис қилиш, туйғу ўз-ўзидан пайдо бўлгучи, инсон феълининг шунчаки тарзи эмас, балки борлиқ таъсирида юзага келадиган қалб ҳодисалари, атрофни англай билишга, уни сезишга йўналтирилган соғинч ва армон ифодалари. Бу ҳодисалар, бу ифодалар, албатта, шоир қалбида чуқур кечиб, унда дард майдонини яратади.

Манзар Абдулхайр шундай идрокли. Сўз ижодкорнинг ички ҳайратидан, ички руҳидан ҳосил бўлган тақдирдагина ҳам фикрнинг, ҳам туйғунинг муштараклиги шоён бўлади. Шоир фақатгина ташқи кўринишлардан қаноатланиб қолмасдан, фақатгина ташқи жилоларнинг баёнига ружу қўймасдан, балки қалбнинг туб ҳайратига, туб изтиробига эктивор айланиши лозим. Бунинг учун ушбу сирлар, аввало, қалбнинг ўзида бўлмоғи вожибдир. Шундагина сўзнинг ҳам шакли, ҳам ифодаси рост, маъноси қатламли бўлади.

Улуғ рассомлардан бири Мартирос Саръян айнан шу хусусга дахлдор бир фикр айтган экан: «Одамда ҳайратланиш қанчалик кам бўлса, унинг руҳияти қаш-

шоқ бўлади. Одам ҳайратланганда, унинг диққат-эътибор торлари таранглашади, қизиқиши ортади, унинг ҳис-туйғулари ва фикрлари туғёнга келади». Ҳикматона гап. Чиндан ҳам ижодкорнинг қалби нечоғлик ҳайратга тўлиқ бўлса, унинг ёзуви ҳақиқат томон шунчалик яқин бораверади. Буни моҳиятан ҳис қилган Манзар Абдулхайр қалбига қайрилиб дейди:

Согинчлардан қалбимга тушди сирлар.

Шундай. Шоирнинг қалби сирларга эш.

Иқром ОТАМУРОД

ШЕЪРЛАР



* * *

Куз хаёли кўчасида дайдиб-дайдиб,
Юрак ютиб ишқ дафтарин очдим яна.
Совуқ уйга кирдим яна юрак ютиб,
Кўхна бўйра, армон изғир хонтахтада.

Яна бўзлаб юрагимни эздим нечун,
Музлаб қолди кўзларимда совуқ оҳим.
Сатрларим саннаб сўзлар муҳаббатдан,
Телбанома пичирлайди лаблар тим-тим.

Оҳ, армонлар мендан қочиб ётсирайди,
Юрак эса изиллайди надир қўмсаб.
Куз шамоли қайғу гулим сийпалайди,
Қайтар оқшом намозшомим қайғуланиб.

Жом сингари юрак тўлар ғам-ғуссага,
Андуҳларим тимирсилар ёлғиз уйда.
Имирсилаб оёқларим кезар нега,
Сарғаяди хаёлларим хазонларда...

* * *

Куз айролик онидай беҳол,
Фурсат пойлаб мудрар ёбонда.
Гоҳ бўридай увуллар шамол,
Шивалайди ёмғир гоҳ бунда.

Маҳрумият қилар мосуво,
Ҳар нарсадан, ҳатто Ватандан.
Бегонасан куз узра расво,
Барглар жондай узилар тандан.

Қақшатади совуқ куз тонги,
Юрагингда оний бир оғриқ.
Қайғу тешар қорачиғингни,
Бўзарадир булутли само...



* * *

Ҳузуринга яна келдим мен,
Яна бўзлаб сиғиндим сенга.
Заҳар-заққум бешафқат ҳижрон,
Ҳаққа ишқим йўллади сенга.

Нетай, ташлаб кетолмасман ҳеч,
Ҳам қувончу қайғумсан ўзинг.
Куни бўйи офтобу ҳар кеч,
Юлдуз бўлиб чорлайди кўзинг.

Ифоринг гул каби қилар маст,
Ҳурлардан ҳам зиёда аслинг.
Саждадан бош олмай ҳеч сарбаст,
Яратгандан сўрайман васлинг!



ҲОЛАТ

Ногоҳ кўриб қолдим сени кўчада,
Гўё тош қотган бир номаълум ҳайкал.
Дастхатлар гезарар бошқа йўсинда,
Бари ўзгачадир сенда, бекамол.

Мунчалар унутдинг сўзни бешарар,
Унутдинг шунчаки беишқ бир малак.
Бунда бари менга ғамсиз кўринар,
Ҳарорат бошқадир, кўнглим ҳам ҳалак.

Адашган кимсадай турибман хайрон,
Ҳаттоки номинг-да ўзга оҳангда
Жарангги кўнгилни қилади вайрон,
Юрагим тўхтовсиз ун чекар унда.

Юрагим ўртайди тошдек зўр алам,
Қалин туман ҳар ён, ҳаттоки ҳар жой.
Қор қилмас наҳотки қибланома ҳам,
Йўлсиз йўловчидек юрарсан бежой?!

Бир йўл бор: ё ўлим ёки яшамок,
Ягона йўлми бу – ягона чора?
Тинимсиз тентирар шамоллар барҳақ,
Бепоён кўринмас чексиз дала-да.

Сўзсиз дарду ҳасрат бахтсизлик албат,
Кўнгил очлигидай йўқдир мусибат.
Қайдадир қасд қилиб ҳайқирар ўлим,
Бир зум ҳам хотиржам ўтмагай ғоят.

Бетоқат кўнгилки тортар ситамлар,
Зим-зиё самовот энар қошингга.
Кўнгилни эзувчи қора булутлар,
Сенсизлик азобин тўкар бошингга...

* * *

Бас, ҳақлисан мени койишга,
Майли, ишққа қодирмассан де.
Бош эгарман барибир ишққа,
Майли, зинҳор шоирмассан де.

Балки ёлғон нидоларим ҳам,
Сўзларимда балки сеҳр йўқ.
Шеърсиз олам мен учун мубҳам,
Шеърдан ўзга ишқ йўқ, меҳр йўқ.

Гўё қаттиқ таналар тоши,
Тинмай томар томчи саргардон.
Бир хастадил кимса кўзёши,
Бор оламни қилади вайрон.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/5608> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/5608> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/5608>